Малай архипелаги ва Маллакка ярим оролидаги кадимги давлат бирлашмалари.
Бу територияда дастлабки давлатлар эрамиз чегарасида вужудга келган. Махаллий дехкончлик кабилалари шоликорлик, бронза куйиш, темир эритиш билан машгул бўлганлар. Аждодлар ва турли рухларга сигинилган. Малайлар ва австронезия тил оиласига кирувчи халклар кадимдан мохир денгизчилар бўлишган.
Маллакка бўгизи ва кадимги Кусантара (Узок ороллар) сувлари оркали жахон савдо йўли ўтган. Тропик муссонлар доимий харакат (сузиш)га ёрдам берган. Бу район якин, узок шарк, Хиндистон ва Хитой савдо ва маданий алокалари занжирининг мухим халкаси эди.
Катта Зонд ороллари дарёлари водийлари ва Шимолий Малайда вужудга келган синфий жамиятлар территориясида Хинд, антик, Хитой манбаларида хабар берилган. Хиндистоннинг ёзуви, адабиёти, мифологияси, буддизм ва индуизм нормаларининг... кабул килиниши давлатчилик ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Кадимда ва ўрта аср бошлароида (I-IV асрлар) /арбий Индонезия ва «Олтие ярим орол» (грек авторлари Малайяни шундай атаганлар) территорияларида ўнлаб шахар давлатлар бўлган. Улар хусусий ва транзит савдо, шоликорлик, тоглик васаллар хисобга яшаганлар. Энг кадимги давлатлар таркибига Лангкасука, Тамбралинга, Таккола кабилар кирган. Улар ўз географик холатидан фойдаланиб, баъзан иттифокларга бирлашиб халкаро саво коммуникацияларини назорат килганлар.
III-V асрларда уларнинг кўпчилиги вассал князлик сифатида Бапном кхмер империяси таркибига кирганлар, у парчалангандан сўнг Хитой билан фаол дипломатик ва савдо алокаларини ўрнатганлар. Улар орасида энг йириги ва кучлиси Лангкасука асосий динн буддизм.
Индонезия територясидаги кадимги миллат цивилизацияси мухим районлари Шаркий ва Жанубий Суматра, айникса Джамби ва Палембанга порт ва дарё водийлари эди. Бу ерда III аср бошларида ГЭИН давлати, VI асрда Малайю давлати бўлган. Улар Хиндистон, Эрон, Хитой билан саво килганлар.
Ўрта аср бошларида /арбий Индонезия (V-VII асрлар).
Ява оролида иктисодий ва сиёсий вазият катор двлатларни вужудга келтирган. /арбий Явада Тарума давлати. Монарх-деспорт олий хукмронлиги Тарума териториясидан топилган V асрга доир санскрит ёзувларида раджа Турнаварман кўкларга кўтарилган. У кўшни князликларни бўйсундирган, унинг буйругига бинаон кўп километрли сугориш канали казилган. У хаёт химоячиси-асровчи худо вишнуга тенглаштирилган.
V-VII асрлардаги Хитой йилномаларига кўра Явада 30 га якин давлат бирлашмалари бўлган. Кўшнилари билан урушлар жараёнида улар йириклаша борган. Унга Ява халки консалидацияси хамда буддизм ва индуизмнинг таркалуви ёрдам берган.
VII асрнинг 40-70 йилларида Калинга подшолиги кенгайган.
Суматра, Калимантан ички территориялари ва Шаркий Индонезияда у вактда ибтидоий жамоа тузуми хукм сурган. (Хозир хам папуаслар).

**VII-X асрларда Шривиджая давлати**

Бапном денгиз империяси парчалангач VI-VII асрларда Шаркий Суматрада таъсирчан давлат бирлашмалари шакллана бошлади. Малакка бўгизи зонасида бир неча территория мустакилликка эришди.
Бу вактда Жанубий денгизлар оркали бўладиган халкаро савдо сезиларли даражада ўсди. Хиндлар, форслар, арабларни ўзига жалб этадиган товарлар: кумуш, олтиш, рангли тошлар, марварид, кимматбахо ёгоч, зираворлар, дориворлар, тропик ўрмон махсулотлари...
Малай портларининг ахамияти ошди. Шарк савдосидаги деярли барча товарлар шу ердан ўтган. (Перевалочнўй пункт). Транзит садодан катта фойда олинган. Савдо ва харбий флот имкониятлари оширилган. Индонезия давлатлари Хинд ва Тиня океанни бирлаштирувчи мухи пунктларни назорат килганлар.
Шу шароитда Шаркий Суматрадаги князлик Шривиджая кучайган. Кадимги малай тилидаги ёзувларга караганда 682-685 йилларда Джаянаш хукмронли даврида бу давлат Малайю ва бошка кўшнилар хисобига кенгайган.
Илк Шривиджайя монархлари (хаджи) асосий максади Малакка ва Зонд бўгизларини назорат килиб, савдо монополиясини ўрнатиш эди. VII-VIII асрларда бу давлат Хитой билан доимий дипломатик ва саво алокаларида бўлиб турган. Шайлендр сулоласи даврида хукмдорлар ўзларини махаража деб атай бошлаганлар. Кўпгина махаллий хукмдорлар (дату) буйсундирилган.
Ченли кхмер ерлари, тьям мулклари ва Хитойга тобе Шимолий Вьетнам территорияси Шривиджайя харбий экспанцияси объектига айланган. VIII-IX асрларда у ЮВА ва Узок Шаркдаги кучли денгиз империясига айланган.
Бу давлат антик талассократиялар каби воситачилик, бож, ўлпон ва талончилик хисобига яшаган.
IX-X асрлардаги араб географлари «Сабох давлати»нинг иктисодий ва сиёсий гуллаб-яшнаганлиги тўгрисида ёзганлар. 943 йили Маъсуди «махарожалар империяси» армияси, бойликларидан хайратланган.
Давлат идеалогияси-буддизм, унинг «кенг йўл» махаяна окими. Махаяна маъбудалари ва унинг мистик маросимларидан монархнинг илохий хокимияти гоясини сингдириш максадида фойдаланилган.
Шаркий Хиндистон, Шри Ланка, Хитой билан кадимий алокалар туфайли Шривиджая буда илмининг дунё марказигай айланган. IX аср ўрталарида махаража Балапутра (Шайлендр сулоласи) Хиндистоннинг Наландр шархри будда университети якинида манастир курдирган.

**VIII-IX аср бошларида Матарам давлати. ривиджайя тараккиёти ва заифлашув**и

VIII аср бошларида Марказий Ява аграр район орасида энг бойи Матарам эди. Унинг хукумдори (рату) Санжайя махаллий князлар (рака) орасидан етишиб чиккан. У индуизмнинг Шива культига хомийлик килган. Санжайя Матарама сулоласини бошлаб

берган. У Ява, малай ва хатто кхмерлар териториясларини бўйсундирган. Бу давлат Шривиджайя билан ракобатлашган. Иккала давлат Зонд бўгзи шаркидаги ерларга (Кадимги Тарума ерлари) даъвогарлик килганлар. (Бу хакда Хитой буддисти И Цзин ёзиб колдирган. У VII аср 70-90 йилларида Шривиджайяда бир неча йил яшаб, санскрит тестларини таржима килиб, асарлар ёзган).
Яваликлар марказлашган давлат шаклланиши жараёни анча кийин кечган. (Вилоят ракалари орасидаги Ракаларнинг хар бири ўзаро урушлар) махарожа унвонини олишдан умидвор бўлганлар. Матарама хукмдорлари ўз сиёсий ниятларини йирик храм комплекслари (М: Борободур) куриш билан мустахкамлаганлар. Бу курилишлар жуда кўп маблаг ва иш кучини ютиб юборган.
Матарама Бали фолини эгаллашга хам харакат килган.
X аср ўрталарида подшо оиласи бошкарувида деспотзим элементлари кучайган, маъмурий-худудий тизим мураккаблашган ва марказлашган. Округларни олий чиновниклар, хукмдорнинг якин кариндошлари бошкарган.
X аср охири XI аср бошларида конунлар тўплами яратилган, Шривиджайяга карши харбий юришлар уюштирилган. Яваликлар Суматрага ўтиб, Палембангни мажаклаб, тўлаганлар ва бир неча йил империяга хавф солиб турганлар.
Бу шароитда Шривиджайя Жанубий Хиндистоннинг Чолов давлатидан кўмак сўраган. Ўз васалларига таянган Шривиджайя карши хужумга ўтган. 1016 йили Матарам тўсатдан хужумга дучор бўлган, хукмдор ўлдмирилган, давлат катор майдо мулкларга парчаланган. 20 йилдан ортик давом этган феодал таркоклик, ўзаро жанглар бошланган.
Феодал ер эгалигининг узок давом этган эволюцияси Ява жамиятининг характерли белгисидир. VIII асрдан йирик феодаллар роли заифлашди, монарх ва ярим феодал элементлар кучайди. (чиновник ва рухонийлар хам).
У даврда асосий ер совга килувчилар (берувчилар дартитель) йирик дунёвий феодаллар: ракалар, ракарянлар. Асосий олувчилар:-храмлар. Ер бериш бўйича монарх ва унинг кариндошлари иккинчи ўринда турган. Йирик ер эгалари бир вактнинг ўзида ер ва иммунитет инъом этганлар.
IX асрдан асосий ер берувчилар монархлар. Солик тўламайдиганлар (одатда храмлар) ерни дехконларсиз олганлар, имтиёз хам берилган.
Имтиёз олмаганлар ер участкаларини дехконлар билан бирга ёки иммунитетлар олганлар.
X асрда Матарамда хунармадчилик хам ривожланган. Экспорт моллари: х/б материаллар, совук курол (машхур ханжар-крис), ёгоч ва гаровдан ишланган буюмлар... Молукка оролларидан зираворлар келтирилган.
Матарам устидан галаба козонгач Шривиджайя ўз тараккиётининг чўккисига чиккан. Суматра-Малай империяси Нусантра денгизларида тўла хукмронлик килган. Унинг будизмнинг жахон маркази сифатига обрўси хам ошган.
1011-1023 йилларда Атиша ўкиган.
Лекин XI аср бошларида Шривиджайя ва Чолов империя манфаатлари денгизларда тўкнашиб колган. Сулолавий ва диний алокалар ракобат билан алмашган. 1025 йили Ражендра Чола йирик флот билан хужум килган. Шриваджайя савдо ва денгиз кудратига тузатиб бўлмас зарар етказилган.

**Индонезия маданияти**

Жанубий-Шаркий Осиё халклари маънавий тараккиётга индонезия синфий жамияти илк ўрта асрларда ўзининг кайтарилмас тажрибасини кўшган. Кадимги Яван ва малай адабий ёзувлари ва тиллари шаклланган. У аввал расмий ва дин тили бўлган саскритнинг ўзига хос элементларини кайта ишлаш жараёнида юз берган. Махаллий тил ва ёзув системаси кенг таркалган.
IX-X асрларда Матарамда адабиёт гуллаб-яшнаган. Кави (кадимги яван тили) тилида эпик, мифологик, культ, фалсафий асарлар ёзилган. (сюджетлари кадимги хинд ва автохтон).поэма-какавинлар (кадимги яван «Рамаяна»си), нарвлар («Махабхорат»нинг прозалик кайта ишл), тутурлар (диний-мифологик адабиёт ва насихатлар) будда трактатлари таржималари машхур ва маълум. Матарам махарожалари саройида шоирлар, актёрлар, музикантлар яшаган.
Ижоднинг турли жанрларини ўзида жамлаган машхур кўгирчок-соя театри (ваянг) тамошалари кўрсатилган.
Классик архитектура ва тасвирий санъат шаклланган (VIII-X асрлар). ЮВАдаги энг йирик буддизм ва индуизм ансамбллари (Борободур ва Лоро Жанггаранг). Материал-культ меъморчилигининг индонезия типи – чанди.
Ява ва малай усталари бронза скультутура куйиш техникаси, орнаментли ўймакорлик (тош, металл, ёгочга) сирларини олий даражада билардилар...

З. Мадрахимов.